

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 24 январь, № 18 (4171)

Чоршанба



Фаргона
шаҳридаги
"Фар-Антикор
Инвест"
хусусий ишлаб
чиқариш

корхонасида асосан саноат
ускуналарини тозаловчи техник лак-
бўёқлар тайёрланади. Ун хил
турдаги маҳсулот ишлаб
чиқараётган ушбу корхонани
Фаргона ва Олтиариқ нефтни қайта
ишлаш заводлари ва "Навоийазот"
ОАЖ асосий хомашё билан
таъминлайди.



СУРАТЛАРДА: илгор ишчи Гулнора Асқарова; ишчилар Ҳафизахон Юнусова ва Майрамхон Эр-
шасева цехда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

— Бозор талабларини ўрганиб маҳсулотларимиз турини доғ кетказгим ҳисобига яна биттага кўнайтирдик, — дейди корхона раҳбари Абдуқунодуз Юнусов. — Айни пайтда маҳсулотларимизга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар кўп.

Этиборли томони шундаки, йил бошидаёқ ушбу корхона бир қатор Ҳамдустлик мамлакатлари, хусусан, Қирғизистоннинг "Пульон", Қозғистоннинг "Давр" акциядорлик жамиятлари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича истиқболли шартномаларни имзолади. Бу эса "Фар-Антикор Инвест" маҳсулотлари жаҳон бозорига ўз ўрни ва ўз нуфузига эга бўлаётганидан далоятидир.

«Ўзбекистон ислом маданияти ва фалсафасининг эътироф этилган марказидир»

АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатта мамлакатимизнинг киритилиши билан боғлиқ масала юзасидан Американо-туркистонлик уюшмаси президенти Абдулла Ҳўжанинг эъзони мақтубида ана шундай сўзларни ўқиш мумкин.

Шу жумладан, А.Ҳўжа ўз мақтубида Ўзбекистонда Президент Иброҳим Каримов фармони билан Ўзбекистонда эътибор берилган диний байрамлари дам олиш кунини деб эълон қилингани, 50 минг нафардан зиёд ўзбекистонлик муборак ҳаж сафарини билан муқаддас Макка ва Мадинага зиёрат этишда давлат томонидан қўллаб-қувватланганига эътибор қаратади.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг диний экстремизм ва ақидапарастлик тўққинчи билан тўқнаш келди, — деб ёзади у. — Аммо мамлакат ҳукумати улар билан курашишда ҳал қилувчи мавқега эгилди ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлай олди. Бунинг учун Ўзбекистон танқидга эмас, балки ҳар қанча мактаб ва рағбатга лойиқдир.

1999 йил сентябрь ойидан эътиборан Тошкентда Марказий Осиё-

даги ягона Ислам университетига фаолият кўрсата бошлади. Сўнгги 15 йилда Ўзбекистонда 2 мингдан зиёд масжид қурилди ва таъмирланди, 10 та мадраса очилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ислом дини бошқа динлар билан биргаликда ўзаро аҳил-тотувликда ҳаёт кечирмоқда. 18 диний конфессия вакиллари ўз диний расм-ритусларини эркин адо этишга тир. Ўзбек халқи тарихий-маданий меросида юксак даражадаги толерантлик ҳақида алоҳида ажралиб турган. АҚШ Давлат департаментининг қарори бу омилни мутлақ ҳисобга олманган ва ноҳолис баҳолашга асослангандир, деб таъкидлайди Абдулла Ҳўжа.

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари Конгрессининг аъзолари ҳам АҚШ Давлат департаментининг мазкур қарорини шарҳлашди. Ушбу ташкилот президенти Борис Кандов ҳамда АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари бош раввини Итцак Ешуа ўз мақтубларида кайд этганидек, АҚШ ташқи сиёсат мақамаси Ўзбекистондаги реал вазиятни нотўғри англаш ва танқид қилиш асосида ноҳолис хулосани чиқарган.

— Ўзбекистонда истиқомат қилаётган жамоани аъзолари билан мунтазам алоқаларимиз шундан

гувоҳлик берадики, мамлакатда бирон-бир диний ташкилотнинг, шу жумладан, яҳудийлар ташкилоти фаолиятининг чекланаётгани ёхуд улар ҳуқуқлари поймол этилиши ҳоллари мавжуд эмас, — деб ёзилади мақтубда. — Биз шунини қайта айтиш билан айта оламизки, динлараро ва маданиятлараро бағрикенглик ҳақида Ўзбек жамиятининг бошқалардан ажралиб турадиган, ўзига хос хусусияти бўлиб келган.

Ўзбекистон динлараро ва маданиятлараро мулоқоти қўллаб-қувватлаш борасида жаҳондаги энг бағрикенг жамият, деб саналса асло муболага бўлмайди.

Биз бу ерда яшовчи Бухоро яҳудийлари жамиятлари динимиз, маданий қадриятларимиз ва ана-наларимизга доимий эътибор ва ҳурмат кўрсатаётгани учун Ўзбекистон ҳукуматига юксак эътиромимизни билдирамиз.

Биз Ўзбекистонни диний ҳуқуқларни чеклаб қўяётганликда айблан замирида муайян гуруҳларнинг ёлгон хулосаси мажбурият ўтказиш орқали халқаро ҳамжамиятни қалғитишига уриниш этди, деб ҳисоблаймиз.

(Давоми 2-бетда.)

Қўнғирот туманидаги Оқшўлоқ шаҳарчаси мамлакатимизнинг иқтисодий харитасидан тобора мустақам ўрин эгалламоқда. Утган йили бу ерда табиий газ оқимини мувофиқлаштириб турадиган улкан компрессор станцияси фойдаланишга топширилган эди.

Иккинчи «Шўртангаз» қад ростлайди

Ижтимоий ҳимоя йилининг дастлабки кунларида Оқшўлоқда яна бир қувончли воқеа юз берди: «Ўзнефтегаз» миллий холдинг компанияси Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилган кимё мажмуасига рамзий қозик қўқилди. Бу корхона мамлакатимиз эҳтиёжлари ва жаҳон бозори учун қатъ ҳажмдаги полипропилен, полиэтилен маҳсулотлари, суяқ газ ишлаб чиқаради. Бўлғуси қўшма корхонада бир неча минг киши меҳнат билан банд бўлади.

— Гигант корхонанинг лойиҳа-сметта қиймати 1,1 миллиард АҚШ доллари атрофида бўлади, — дейди Қорақалпоғистон Ҳўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари Ф. Ражабов. — Бошқа айтганда, Устюртда «Шўртангаз» мажмуига ўхшаган иккинчи корхона қад ростлайди!

Янгилик қўққоров,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламлигини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймастик, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

қабул қилинишни таъминлашнинг республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлими ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар;

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадида м. а. о. з. и. қ. и. ҳисобланган, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг қўламада тушунириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек, айрим фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий оқор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қўнғирот ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва гаҳуриликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш;

аҳолининг оқор қатламлари — муҳтож оила-лар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўйбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада кучайтириш, оналик ва болалик тўғрисида гаҳуриликни кучайтириш, аёллар соғлигини мустақамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан, мактабларнинг оқори синфлари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлири ёшлари ўрта-сида тушунириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмни такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек, умуман ижтимо-

ий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётини муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнглили ўтказишни ва спорт билан шугулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадим қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсия онерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга бегараз ёрдам бериш.

2. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури-нинг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф-2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий бўлиmlарини амалга ошириш бўйича 2-иловага мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури асосида амалга ошириш бўйича (Ш.Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ишлаб чиқилиши ва

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» II миллий мукофоти

Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнғирот бағишлаган бу ташкилотга 2006 йилнинг 31 мартдан 2007 йилнинг 31 мартга-ча — бир йил давомида газетга ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет сўрақларида берилган материаллар 2007 йилнинг 10 апрелгача қабул қилинади.

Танлов гóлиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Гóлиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўнғирот нишони ва Ўзбекистон Республикасида берилган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (давраий матбуот — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар);

Биринчи ўринни олган гóлиблар диплом, «Олтин қалам» кўнғирот нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган гóлиблар диплом,

«Олтин қалам» кўнғирот нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган гóлиблар диплом, «Олтин қалам» кўнғирот нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- журналистика ривожига қўнғирот ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- харбий-ватанпарварлик мавзудаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фақултодда вазиентлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- йилнинг энг яхши дебюти учун;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материал учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича гóлиблар диплом, статуетка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернетда эълон қилинган иш-

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намойиш этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янги ҳаётга ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» халқаро танловини ўтказилади.

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташуви воситанинг қандай қуринида бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиошаклантирилган (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессия ва фаолияти тўғрисида қиқскача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов гóлиб-ларини мукофотлаш 2007 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнғирот нишони равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди. Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юнатилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри-100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87; Факс: 144-69-65
E-mail: ljod@sarkor.uz www.Journalist.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 январь

И. КАРИМОВ

БАНКНИНГ ЯНГИ ФИЛИАЛИ

Термиз шаҳрида «Капиталбанк»нинг Сурхондарё вилоят филиали иш бошлади.

Ўтган йили банкнинг вилоят марказида очилган «Вестерн Юнион» тармоғи пул жўнатмалари бўйича аҳолига хизмат кўрсатиб, қиқска вақтда миқозлар ишончини оқлади. Янги йилда банк филиалининг ишга туширилиши хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва турларини кенгайтириш имконини беради.

— Филиалда жисмоний шахслар билан бирга барча турдаги ҳўжалик юри-

Муқаддас қадамжоларимиз

Ҳеч эътибор берганмисиз, юртимизнинг қай бир ғўшасига борманг, ҳар бир жойнинг қандайдир ўзига хос тарихи бор. Бундай афсонаю асотирлар оғиздан-оғизга кўчиб, бизнинг давримизга ҳам етиб келган. Афсона ва ривоятлар замирида эса маълум ҳақиқат яширинган бўлади.

беришини ва бу ерда бунёд қилини айтади. — Бу сувсиз қакраб ётган тўқайзорни нима қиласиз, боғ учун сизга унмудор ер бераман, — дебди хон. Қария кўнмагач, ўша тўқайзорни хатлаб берибди. Маълум вақт ўтгач, хон Шаханд қишлоғига келиб, тўқайзор ўрнида бунёд

дан келадиган меҳмонлар бўлиши тайин. Зибратчиларга Ҳўжамат валий ҳақида фахр билан сўзлаб берсангиз, у кишининг мақбаралари ташландиқ аҳволда эканлигидан жиҳолат чекмайсизларми? — сўрайман ўзини шу ернинг қоровулиман, деб таништираган йигитдан. — Насиб қилса келгуси йилда ушбу мақбарани файзли қадамжого айлантириш ниятимиз бор. Бунга туман-

гансиз, қандай иш қуролига эга сизлар? — сўрабди у. — Биз қирқ кишимиз ва ҳаммамизда кетмон бор, — жавоб беришди қишлоғимиздан борганлар. Шундан сўнг, ишбоши уларга «қирқкетмончилар», дея мурожаат қиладиган бўлибди. Шу-шу қишлоқнинг номи «қирқкетмон» деб атала бошлаган экан. Туманимиз ўрамада ҳозир ҳам турфа хил номланган қишлоқлар талайгина. Элаш,

олдимда жонланди. Истиқлол бизга ўзлигимизни, асл қадриятларимизни қайтарди. Қарши, Марғилон, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда тарихий обидлар қайта тикланиб, жаҳон эътиборига тушди. Мустақиллик йилларида қайта юз очётган тарихий обидларимиз, осори атиқаларимизни, ободлиги билан унча-мунча шаҳарлардан қолдирилган қишлоқларимизни, уларнинг бугунги жамолини кўриб, Истиқлолнинг буқлиғига яна бир бор шукроналар қилсан киши.

ИСТИҚЛОЛ

Кайфиятм қўтарилиб, ишхонада ўтирганим, сочларига оқ оралаган, ўрта бўйли киши кириб келди. Бу — Мухтор Аскарқўжаев, туман халқ таълими бўлимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича услубчиси. Таҳририятимизга тез-тез хушхабарлар олиб келади. — Утган йили мактабларимизда кўп яхши ишлар бўлди, — деди у салом-алқидан сўнг. — Миллий қадриятларимиз ва халқ амалий санъати намуналаридан музейлар ташкил этилди. Ватан тимсоларини акс эттирган стэнд ва бурчаклар пайдо бўлди. Бу яхши ишларни қаламга олсангиз. Қирқ йилдан бери маориф соҳасида ишлаб келаётган бу жонқуяр кишига ҳурматим янада ошди.

Ҳақиқатимизнинг турли ғўшаларида не-не авлиёлар номи билан қадамжолар маъжуд. Мустақиллик йилларида улар халқ назаридан бериктиб келинди. Бу ҳақда ҳам қанчадан-қанча ҳикоятлар бор. Биргина имом Бухорий мақбарасини поймол этувчи воқеалар ҳақида эшитаману Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бунёд этилган маъжма — бобоқалонимизнинг муқаббарларини, мавий гўмбазли кўнрадор айвонлар, энг нозик меҳмонларга ҳам фахр ва ғурур билан кўрсатишимиз мумкин бўлган обод ғўшаларимизни ўйлаб юрагим ҳапқириб кетади.

КўКСИМИЗГА ТУМОР ҚИЛАЙЛИК

Ҳўжамат валий мўъжизаси

Тўрақўрган туманидаги «Шаханд» қишлоғида Ҳўжамат валий, яъни Ҳўжа Аҳмад Валий қабри бор. Шу ерлик аҳолидан ашитган ривоятларга қўра, Бостон бўва, Пошо пири сингари машҳур зотлар билан бир даврда яшаган ушбу аллома ҳам валийлик даражасига эришган экан. Аллома ўз даврида тўқайзор чангалзорлардан иборат бўлган ва сувсизликдан қакраб ётган Шаханд қишлоғида умргузаронлик қилган эканлар. Қўнлардан бир куни Қўқон хони шикор қилмоқ учун ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларга бой бўлган ушбу тўқайга келиб қолади. Хон ва наварлар оқ қилишга киришадилар. Бирок кун чоғоҳдан ошса-да, бирор зог тўтолмайдилар. Саройга ўлжасиз қайтмаслик учун чора излаб беш қотириб турганларида тўқайзордан келаётган нуруний отахонга кўзлари тушади ва салом беришади.

караиди. Қариянинг эътирози ҳукмдорнинг газабини келтиради, бироқ сўхбатнинг натижасини кутган хон буни сездирмайди. — Юрт эгаларидан Сиз фотиҳа олиб берсангиз, — дейди у киноя аралаш. Табиийки, отахон бунни англайди, бироқ вақтинчалик билан: — Ҳўш, сизларга қайси паррандадан қанча керак, хайвонларданми? — Беш-ўн та қирговул бўлса бас. Бизнинг мақсадимиз ов эмас, кўнгил чигилини ёзиш, — жавоб берибди хон.

Шундан сўнг отахон ниятлари ижобатини тилаб дуо қилибди: — Овингиз бароридан келиб, ниятларингизга етинлар!

Мўъжизани қарангки, тўқайзордан бирин-кетин қирговуллар учиб чиқа бошлабди. Хон билан отахон ўртасида бўлиб ўтган сўхбатдан беҳабар наварлар уларга қамонлардан ўқ узишибди. Кўз олдига рўй берган мўъжизадан хайратланган хон отахонга ўзини таништиради ва истаган тилагини бажо этишини айтади. Қария «Мен фақат Аллоҳдан сўрайман, бандасидан эмас», дея рад жавобини беради.

«Ахир мен шу юрт хониман, имкомим бўла туриб бўйимизда қарз билан кетмай», дегандан сўнггина у ўзи яшаётган тўқайзорни хатлаб

бўлган боғни ва ариқларни тўлдириб оқётган зилот суни кўриб, бир хайратига ўн хайрат қўшилибди.

Ривоятларда айтилишича, отахон ҳассасини ерга суқиб, Аллоҳдан сув сўраган экан. «Шаханд» оромгоҳида беморларни даволаш учун ишлатилган йигирмадан зиёд микроэлементларга тўйинган сув ҳасса изидан отилиб чиққан дейишади. Шунингдек, оромгоҳда ошкочон-чмак хасталиқлари, буйрак ўт пуфак хасталиқларида ишлатилган ва 2 метр ер остидан чиқадиган 46-48 даража иссиқликдаги маъданили сувни ҳам айнан Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан.

Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан.

даги тадбиркорлар, фермерлар ҳам бош қўшишмоқчи... Биз бу йигитнинг нияти ижобат бўлишини жуда-жуда истаб қолдик.

Арсонадан яралган қишлоқ

Биз ўсган қишлоқни Қирқкетмон деб аташди. Қўқон шаҳридан унча узоқ бўлмаган маскан аҳолисининг тирикчилиги ёрдан. Қишин-ёзи каттаю кичик ерни қиртишлагани қиртишлаган. Одилахон холининг боғчасида етиштирилган қулупнай, Раҳмонкул тоғанинг боғидаги шафтоли, Нурали ақанинги гилосларини бошқа ерда ўстирилса, бу ердаги қабри ҳосил бормаиди. Ана шу қишлоқнинг номлашини ҳақида жуда кўп афсоналар юради.

... Қайсида хонлик замонда Қўқон шаҳри яқинидаги Тентаксой (ҳозирги Наймансой) ўз ўзини Узағтириб, атроф қишлоқларга, акцизорларга зарар етказибди. Қўриқлар ваайрон бўлибди. Офат оқибатларини бардараф этишга жазм этган хон ялпи сафарбарлик эълон қилибди. Турли қишлоқлардан келган хашарчилар бир жойга жам бўлишган, ишбоши уларни ишга тақсिमлай бошлабди.

— Сизлар неча кишисизлар, қайси қишлоқдан кел-

Тўлаш, Қумбосди, Товуш, Қудаш, Яккатут, Соҳтепа, Бешкапа, Яйпан, Нурсух... Собик иттифок даврида уларнинг айримлари бошқа ном билан — қизил империяни тараннум этувчи Иттифок, Қизилқуч, Коммуна, Коминтерн... ана аллақандай номлар билан атала бошланди. Бирок, қишлоқларнинг номи маълум тарихни муҳассас қилгани учун ҳам янги ном халқ қалбига кириб бормади, қозғоларда қолиб кетаверди.

Буюқлик асар буюқлик

Буюқлар ҳамма даврларда ҳам улкан ишларга, каш-фёвёлларга қодир бўлишган. Айниқса, юрт эгалари оқилу халқларвар, маърифатпарвару адолатпеша бўлсалар, ўша халқнинг бахти ҳисобланган. Юрт обод бўлиб, шахару қишлоқлар гуллаб яшаган. Халқнинг қадрияти даражасига кўтарилган урф-одатлар, иншоотлар асраб-авайланган. Олиму фузалоларга эътибор ошган. Яқинда Хива сафариди бўлдиқ. Ичон Қалъадаги чоргоҳқона хонани «Қўзиқ империя» даврида қамқўна бўлган, дейишса, очиги қўзларимга ёш келди. Бир вақтлар молқонау чинқидихонага айланган қишлоқларимиз, масжиду мадрасаларимиз кўз

— Фақат буюқларгина шундай ишларга қодир эканлигига иймон келтириб, ана шундай ошод ва обод мамлакат фўқароси эканлигимга шукроналар қиламан.

Мажжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳамюртларимиз қишки Осиё ўйинларида

28 январь — 4 февраль кунлари Хитойнинг Чанчунь шаҳри VI қишки Осиё ўйинларида меҳмонлик қилади. Унда иштирокчилар ўрта спорт тури бўйича ўз омадларини синонадан ўтказадилар. Ўзбекистонлик спортчилар бунгача Харбин (Хитой, 1996 й.), Кангвон (Корея, 1999 й.), Аомо (Япония, 2003 й.) шаҳарларида ўтган Осиё ўйинларида қатнашишган. Навбатдаги қишки Осиё ўйинларида фигуралар учининг ажаллик баҳсларида Анастасия Гимазетдинова, жуфтликда Марина Аганина ва Артём Князов, тоғ чангиси бўйи-

ча эса Мадина Расулева, Эльвира Налиулина, Ксения Григорьева, Гулиза Фойилова, Қайрат Эрметов, Ноиль Ширвазиданов, Денис Григорьев ва Олег Шамаевлар юртимиз ша-

рафини Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан.

рафини Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан. Ҳўжамат валий номи билан боғлашар экан.



— Алло, бу таҳририятми? Мен маорифданман. Ёзиб олсангиз: туманимизнинг 9 нафар ўқувчиси бу йилги фан олимпиадасининг вилоят босқичида совринли ўринларни эгаллашди. Бу ўтган йилгига қараганда олти ўқувчига кўп. Хабар эгаси овозимни танимади шекилли, кимлигимни сўради. Мен айтдим:

Абдусаттор ХАТАМОВ, Зангиота тумани «Истиқлол» газетаси муҳаррири.

Газ ўлгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига! «Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ) «Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни тақлиф этади: ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХўЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ 2006 ЙИЛ 2 ДЕКАБРДАН 2007 ЙИЛ 2 ЯНВАРГАЧА ҚУЙИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БўЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН тендер қилиблари ва резервистларини эълон қилади: ДУМБА МОЙИ («Чирчиқ гўшт» агрофирмаси, «Kattle Busi Ness» МЧЖ); МОЛ ЁФИ («Milk Evro Food» МЧЖ, «МАСЛОТРЕСТ ТАШКЕНТ ТРАД» ШК); ТОВУҚ ТУХУМЛАРИ («Азия Агро Альянс» МЧЖ ҚҚ, «Kattle Busi Ness» МЧЖ); СОСИСКА ВА САРДЕЛЬКАЛАР (ХТ «Мугалов», «Чирчиқ гўшт» агрофирмаси); НўХАТ («Ал-мугиз» ХФ, «Kattle Busi Ness» МЧЖ).

«Forsyn-Servis» хусусий корпораси «Forsyn-Servis» масъулият чекланган жамиятта ўзгартирилади. Давлолар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомидида қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент шаҳар Учтепа тумани, Ал Қувчи кўчаси 9-уй, тел: 275-85-95.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Ватан тарихи кафедраси профессори Қўлодш Эргашева укаси Пажви ЭРГАШЕВИНГ вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 053. 38237 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва митақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзилова. Навбатчи — З. Анурова. Мусоҳиҳ — Ш. Машраббеов. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза Яқуни — 21.10 Тошхирлиди — 21.45 2 3 4 5 6